O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
4 IYUL
PAYSHANBA
№ 83 (26.942)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА АХБОРОТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституциявий ҳуқуқлар ва қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари таъминланиши мониторингини олиб бориш;

республика фуқароларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, аҳолининг, аввало ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим, маънавий ва маданий савиясини ошириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан, мазкур фаолият турларида рўйхатга олиш ишларини бажариш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ҳамда республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасида республика фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш;

ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил қилиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолиятида, даврий нашрларни тарқатишда ягона техникавий сиёсат ўтказиш;

реклама тайёрлаш, шунингдек уни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

ноширлик-матбаачилик фаолиятининг ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификациялаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб;

вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги матбуот ҳудудий бошқармалари тегишли равишда матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳрир қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний аралашиш қатъиян ман этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузувчи давлат бошқаруви органларига, жойлардаги ҳокимият органларига, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар (тақдимномалар) юбориш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва тақдимномалари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриётлар томонидан матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчилик мунтазам равишда бажарилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги уларга берилган лицензия ҳамда рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини суд орқали тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 июль.

«ҒАЛЛА — 2002»

САМАРҚАНДЛИКЛАР ХИРМОНИ

Вилоят ғаллакорлари Ватан хирмонига 261500 тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, уруғлик ва товар дон сотиш юзасидан шартномавий режаларини ортиғи билан адо этишди. Ҳар гектар сувли майдондан олинган ҳосил салмоғи ўртача 50,6 центнерга етди.

— Об-ҳаво қулай келган жорий йилда ғаллакорларимиз чинакам фидойилик билан меҳнат қилдилар, — дейди вилоят ҳаҳ-сулотлари ҳиссадорлик уюшмасининг раиси Зоир Каримов. — Нарпай, Каттақўрғон, Пахтачи, Иштихон ва Самарқанд туманларида ҳосилдорлик гектар бошига 53-55 центнердан ошди. Деҳқон тили билан айтганда, бу — ғаллачиликдан келадиган даромаднинг ўзи 16 миллиард 200 миллион сўмни ташкил қилади, деган гап. Чўмич ҳам мой, қозон ҳам.

— 4,4 гектар ерга «Улуғбек — 600» навли ғалла эккандим. Маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилгач, гектарига 42 центнер ўрнига 86 центнердан ҳосил олдим, — дейди Каттақўрғон туманидаги «Буюк Турон» ширкат хўжалиги ижарачиси Акрам Қаюмов.

Самарқандлик ғаллакорлар қўшимча яна 10 минг тонна дон топшириш йўлида ўрим-йиғимни қизғин давом эттирмоқдалар.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Қуйичирчиқ тумани ғаллакорлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш шартномавий режаларини ортиғи билан бажардилар. Давлат омборларига режадаги 27 минг 980 тонна ўрнига 28 минг тонна сара дон топширилди.

— Халқимизнинг ризқ-рўзи қанча мўл бўлса, дастурхони ҳам тўкин бўлади, — дейди вилоят ғалла штаби аъзоси Алишер Ортиқхўжаев. — Бунинг моҳиятини яхши англаган пойтахт вилояти меҳнат аҳли мамлакатимиз Мустақиллигининг 11 йиллигини ҳамма жабҳада ютуқлар билан кутиб олишга бел боғлашган. Бугун-эрта Бўка, Қибрай, Бекобод туманлари ғаллакорлари ҳам маррани забт этишади. Режаларини ўринлатиб қўйган хўжаликларда ўрим ҳали давом этмоқда. Бу — жорий йилнинг ҳосили мўллигидан далолат.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

✧✧✧

Суратларда: *вилоят ғаллазорларидаги ўрим тасвири; Бўка туманидаги Ғ.Азаматов номли ширкат хўжалиги раиси (чапдан) Омон Амиров ва «Баҳор» фермер хўжалиги раҳбари Холбой Жумабоев бўлиқ бошоқлардан мамнун.*

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ**
олган суратлар

Миллий қадриятларимиз — ЎЗЛИГИМИЗ, ЎЗБЕКЛИГИМИЗ

ДЎППИ

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ва мос кийим-кечаги бўлади. Миллий либосларнинг қанақа бўлиши бир томони иқлим шароитига, иккинчи томони миллатнинг табиати, дидфаросатига боғлиқ.

Қачон, қайси асрда пайдо бўлганиғи аниқ айтолмаймизу аммо дўппи халқимизнинг қадимий миллий бош кийими. Халқимиз азал-азалдан амалий санъат, ганчкорлик, кулолчилик, зардўзлик жумладан дўппидўзлик билан шуғулланиб келади. Дўппи билан боғлиқ кўп ҳикматли гаплар бор: «Бош омон бўлса, дўппи топилади», «Дўппини бошдан олиб, бир ўйлаб кўринг», «Бошида дўпписи, белида белбоғи бор одам бир сўзли бўлади», «Бош ёрилса, дўппи остида»...

Дўппи билан боғлиқ кўпгина расм-русумларимиз ҳам асрлар оша яшаб келяпти. Фарзандга дўппи кийгизилаётганда «Илоҳим, бошинг тошдан бўлсин», дейилади. Меҳмонга дўпписиз тўн кийгизилмайди. Қизларимиз «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан», деб меҳр билан куйлаб келишади.

Миллий қадриятларимиз бўлган дўппи ҳам қатағон қилинган вақтлар бўлди. Яқин ўтмишда дўппи кийганларни «миллатчи» дея айблашди, узоқ-яқиндан Ўзбекистонга «тартиб ўрнатиш учун» келган амалдорлар хонасига дўппида кирган ўзбеклар хонадан ҳайдаб чиқарилган ҳоллар ҳам бўлган эди. Дўппи кийишга чўчиб қолган даврлар ёдимиздан чиққани йўқ. Дўппи кийишдан уяладиганлар ҳам бўлди. «Нега ўзбек йигитлари дўппи киймай қўйди? Бошга лойиқ дўппи қолмадими ёки дўппига лойиқ бош?» деб куюниб мақолалар ёзилган пайтлар ҳам бўлди.

Бугун ўзбекнинг ўзи ҳам, дўпписи ҳам озод. Миллий ҳунармандчилигимизни авайлаб-асраб, авлоддан-авлодга ўтказиб келаётганларга кўпдан-кўп имтиёзлар яратилмоқда. Дўппини меҳр билан тикаётганлар ҳам, эъзозлаб, фахрланиб киядиганлар ҳам оз эмас. Дўппи бозорлари кўп, дўппининг турлари кўп. Чуст дўпписи, Андижон дўпписи, Марғилон дўпписи...

Айниқса, қизларимизнинг дўппиларини айтмайсизми, гўзалдан гўзал, нафисдан нафис. Қандай ярашади, қизларимизга дўппи. Дўппида сир бор, қандайдир такрорланмас жозиба, чирой бор, нафосат бор, миллатнинг руҳи бор.

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ,**
Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ

Июннинг охирги куни Водий атрофидаги тоғларни қалин қора булут қоплади. Қўшни Қирғизистон давлатининг Қадамжой туманида бошланган кучли жала оқибатида Шоҳимардонсой дарёсидаги сув сатҳи кескин кўтарилди. Фарғона тумани маркази Водил қишлоғига катта сел оқими ёпирилиб келди. Офат туфайли Юқори Водил ва Водил қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги хонадонлар, экинзорлар, коммуникация тизимларига зарар етди.

Тегишли идоралар ходимларининг ўз вақтида қилган саъй-ҳаракатлари натижасида сел хавфидан аҳоли огоҳлантирилиб, одамлар хавфсиз жойларга кўчирилганди. Натижада қурбонлар бўлмади. Лекин 88 та хонадоннинг бир қисми шикастланди. Сел 11 километр узунликдаги йўл, 6 та кўприк, 5,5 километрли алоқа тармоғига, 2,7 километр узунликдаги газ қувурлари, электр ва ичимлик сув тармоқларига жиддий зарар етказди.

Воқеа содир бўлган жойга етиб келган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Республика фавқулодда вазиятлар вазири Б.Парпиевлар иштирокида сел оқибатларини тугатиш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошқиндан зарар кўрганларга дастлабки ёрдам кўрсатиляпти.

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФЕЛЬЕТОН

«ОМАД ҚУВОНЧИ» АЗОБИ...

Сиз ҳеч қачон лотерея ўйнаганмисиз? Ўйнаган бўлишингиз керак. Ўйинда ҳеч ютганмисиз? Ютган бўлишингиз ҳам мумкин... Ютуғингизни олганда омадингиздан суюнганмисиз, ё ... ололмай, овора-ю сарсон бўлганмисиз?

Газетамизнинг иккинчи саҳифасида айни шу мавзуда ёзилган фельетонни ўқишингиз мумкин. Ютукларни ўз вақтида олиб юрганлар ўқиши шарт эмас.



DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

БУТУНЛАЙ ХАЛОС БЎЛИШДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа полиомиелит касаллигидан бутунлай халос бўлганлиги хусусидаги хабарни эълон қилди. Европа бундай натижага 14 йил мобайнида 5 ёшгача бўлган болаларни вакциналаш дастурини бажариш баробарида эришди. Шундай қилиб, Европа болалар касаллиги устидан бутунлай ғалаба қилган жаҳондаги тўртинчи ҳудуддир.

Аммо бундай касаллик ҳали муаммо туғдирадиган ҳудудлар ҳам бор. Улар Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатлардир. Негаки, бу ҳудудларда полиомиелит вируси ҳамон мавжуд. Шуни назарда тутиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё бўйича оммавий вакциналаш тадбирини ўтказиб, 2005 йилгача бу касалликдан дунёни бутунлай халос этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

САМОЛЁТДА ЎҚУВЧИЛАР БОР ЭДИ

Германия осмонида икки самолёт тўқнашиб кетди. Бири Бошқирдистон авиакомпаниясига қарашли «Ту-154» самолёти бўлиб, Уфа-Москва-Барселона йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган эди. Унинг бортида 8 нафар 12 ёшгача, 37 нафар 16 ёшгача бўлган аълочи ўқувчилар ва уларни кузатиб борувчилар, шунингдек, 12 нафар экипаж бор эди. Болалар ЮНЕСКОнинг Бошқирдистондаги махсус мактаби ўқувчилари бўлиб, улар олимпиада ғолиблари эди. Испанияга дам олиш учун махсус жўнатилганди.

Иккинчи самолёт эса Американинг DHL авиакомпаниясига қарашли «Боинг-757» юк ташувчи самолёт бўлиб, бортида икки учувчи бор эди. Иккала самолётдагиларнинг барчаси ҳалок бўлган бўлиши мумкин.

Ҳалокат юз берган катта майдонда — Боденск кўли ва унинг атрофида 800 нафар немис полициячиси 22 та кема ва бир қанча ҳарбий вертолётларда қидирув-қутқарув ишларини олиб боришмоқда. 30 га яқин жасад топилди.

Бошқирдистон Президенти Муртазо Раҳимов авиаҳалокатда нобуд бўлганлар хотирасига 2-4 июль кунлари республикада мотам куни дея эълон қилди.

ЎЗ УЙЛАРИНИ ТАШЛАБ ЧИҚҚАН

Эфиопия ҳукумати Афар ҳудудидаги қурғоқчилик бошқа ҳудудларга ҳам кенгайиб бораётгани боис бу фожиадан барчани огоҳ бўлишга чақирди. Маълумотларга қараганда, Афардаги қурғоқчиликдан азият чекаётган 500 минг киши сув ва озиқ-овқат илинжида ўз уйларини ташлаб чиқиб кетган.

Сўнгги икки йил мобайнида бу ерда ёғингарчилик миқдори жуда паст даражада бўлгани боис, ҳатто дарёлар ҳам қуриб қолди. «Қурғоқчиликдан айниқса, болалар ва қариялар азият чекмоқда. Агар тез орада бирор-бир чора-тадбир белгиланмаса, фожиа юз бериши турган гап», деди Афар раҳбари Исмоил Ализеро.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясида «Никоҳ, қариндошлик ва ирсий алоқалар муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

— Оила қуриш, она бўлиб соғлом фарзандни дунёга келтириш, ҳар тарафлама етук инсон қилиб тарбиялаш — бугунги кунда энг долзарб масаладир, — дея таъкидланди конференцияда. — Ана шу бахтга мукаммал эришиш учун оила тарбиясида жинсий тарбиянинг аҳамияти муҳим роль ўйнайди.

Дарвоқе, Президентимиз айтганларидек, «Биз оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз зарур».

Шундай экан, оила қуришдан олдин ҳар бир ўсмир организмида содир бўладиган физиологик ўзгаришларни билиши керак. Балоғат ёши даврида ўғил болалар ва қизлар организмида жинсий белгиларгина пайдо бўлиб қолмасдан, балки уларда сезиларли даражада руҳий ўзгаришлар ҳам кузатилади.

— Ота-оналар боладаги бу ўзгаришларни ўз вақтида сезиб, балоғат даврининг ўзига хослигини болага тўғри тушунтирса, — деди сўзга чиққан маърузачилар, — касалликлар ҳамда нохушликларнинг олди олинади.

Конференцияда «Оила — қонун ҳимоясида», «Ирсий касалликлар ва уларнинг ёш авлодга таъсири», «Ислом динининг никоҳга муносабати», «Ўзбекистон турмуш тарзида миллий ва умумбашарий қадриятлар», «Қариндошлар ўртасида никоҳ. Анъана ва замонавийлик. Прогноз», «Оиланикоҳ муносабатларининг соғлом насл тарбиясидаги ўрни», «Аёлларнинг экстрагенитал касалликлари, уларнинг ҳомиладорликка ва болалар соғлиғига таъсири», «Оила ва никоҳ мавзуларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши», «Оилаларнинг тиббий саводхонлигини оширишда хотин-қизлар қўмиталарининг вазифалари» сингари мавзуларда қилинган маърузалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Партия ҳаёти янгиликлари

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия бюроси йиғилишида Хўжайли туман партия ташкилотининг Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш соҳасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Йиғилишда ХДП туман кенгаши ва қатор бошланғич партия ташкилотларининг бу борадаги ижобий ишлари қайд қилинди. Услубий ашёлар билан таъминланган тарғиботчилар меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат қилиш жойларида долзарб мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Туман партия кенгаши маҳаллий Кенгашдаги ХДП дан сайланган депутатлар гуруҳи билан қалин ҳамкорликни йўлга қўйган. Улар томонидан меҳнаткашларни қабул қилиш ва сайловчилар билан учрашувлар ўтказилишига кўмаклашмоқда. Депутатлар эса мактаблар, болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари, тиббиёт масканларини таъмирлаш, етим-есир, бева-бечоралар, ногирон ва қаровчисиз қолган қариялар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқдалар.

ХДП Амударё ва Шуманай туман ташкилотлари (масалан, ижроия бюро йиғилишларида, насос станцияси, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, бошқа бошланғич партия ташкилотлари) ҳам Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларини бажариш, партиянинг Экологик дастурини ўрганишни уюштиришга қаратилган ишлар режаларини қабул қилиб, уларни амалга оширишга доир саъй-ҳаракатларни авж олдирмоқдалар.

Китоб туман партия кенгаши ижроия бюроси йиғилишида «Қашқадарётелеком»нинг шу ердаги филиали бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон ХДП Низомини бажариш борасидаги фаолияти ижобий баҳоланди. Партия мажлислари йилнинг ҳар чорагида ўтказилмоқда. Аъзолик бадаллари вақтида йиғиб олинади. «Маънавият» хонаси жиҳозланган. Сиёсий ўқиш ва маънавият кунлари мунтазам ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинаётган умумий мажлислар мамлакатдаги кўплаб бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётир. Шундай мажлислар **А.Икромов туманидаги** «Тошсут» АЖ, Заргарлик корхонаси, Республика сил касалликлари болалар санаторийси, «Саккокий», «Ватан», «Бешқайрағоч», «Ширин» маҳаллалари, **Собир Раҳимов туманидаги** «Тола» АЖ, **Муборак туманидаги** Иссиқлик-электр таъминлаш марказлашган корхонаси, **Шаҳрисабздаги** 1-касалхона, **Тўрақўрғон туманидаги** Асфальт-бетон заводи ҳамда Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғини, **Китоб туманидаги** Нефть маҳсулотлари таъминоти, **Чирчиқдаги** «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўплаб бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтди. **Оҳангарон ва Янгийўл туманларида** фаолият кўрсатаётган ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ушбу мавзудаги йиғилишлар поёнига етган бўлса, вилоятнинг қолган шаҳар ва туманларида бу жараён давом этмоқда. Кўпгина мажлислар якунида Ўзбекистон ХДП сафига янги қабул қилинганларга партия аъзолик билетлари топширилмоқда.

ХДП Ангрен ва Наманган шаҳар кенгашлари ижроия бюролари йиғилишларида партия ички ҳаёти ва Қарияларни қадрлаш йили тадбирларида партия ташкилотларининг иштироки каби масалалар билан бир қаторда, халқ депутатлари мазкур шаҳарлар Кенгашларига партиядан сайланган Ю.Югай ҳамда А.Икромовларнинг ўз депутатлик фаолияти тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Партия Норин туман кенгаши жойларда тарғиботчилар ва фаоллар билан семинарлар ўтказмоқда. Чунончи, Ҳаққулободда бўлиб ўтган шундай семинар аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишни яхшилаш масаласига бағишланди.

ХДП Наманган шаҳар кенгаши ўтказган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг соҳалар бўйича ўқув-семинарлари ушбу ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий семинарларнинг сўнггиси Бекобод туман партия ташкилоти негизида уюштирилди. Унинг ишида Бекобод, Бўка, Пскент туман партия кенгашлари котиблари, шўъба мудирлари ва бош ҳисобчилари қатнашдилар. Улар партиявий-ташкилий, тарғибий-ташвиқий ва молиявий-хўжалик ишлари соҳасидаги ижобий ишлар тажрибасини ўргандилар, қатор бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан танишдилар.

ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида вилоят партия ташкилоти ҳаётини ёритиш аҳволи тўғрисидаги масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда барча шаҳар ва туман партия кенгашларининг бу борадаги ишлари таҳлил қилинди.

Мазкур нашрларнинг партия ҳаётини ёритишга эътиборни кучайтираётганликлари, «Ўзбекистон овози» газетасидаги «Шу кунларда», «ЎзХДП МК Матбуот хизмати хабар қилади», «ХДП хабарлари», «Голос Узбекистана»даги «Вести НДПУ», «Факты, события, информация. Пресс-служба ЦС НДП Узбекистана сообщает», рукнлари остида ранг-баранг ахборотлар, шу жумладан Тошкент вилоят партия ташкилотлари фаолияти тўғрисида турли туман ашёлар берилаётганлиги қайд этилди. Газеталар саҳифаларида Ўзбекистон ХДП Дастурий ғоялари, иқтисодий-ижтимоий, маънавият мавзулари, миллий истиқлол ва парламент ислоҳотига доир таҳлилий мақолаларнинг кўпаяётганлиги кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, баъзи партия кенгашларининг жойларда ўтказилаётган тадбирлар, қилинаётган ишлар ҳақида газеталарга ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бермаётганликлари танқид қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан Зангиота, Паркент, Қуйичирчиқ туман партия кенгашлари биринчи котиблари Д. Тошмедова, Р. Бадалов, С. Намозов ва бошқалар партия ташкилотлари серқирра фаолиятини акс эттирувчи мақолалар тўпламларини чиқариш амалиётини давом эттириш лозимлиги, шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетасида «Сержило тафаккур дурдоналаридан» рукни остида чоп этилаётган донишманд, мутафаккирларнинг ўлмас аҳамиятга молик фикрларини, уларнинг истиқлол маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз эканлигини ҳисобга олиб, китоб тарзида нашр этиш кераклиги тўғрисида таклиф киритдилар.

Йиғилиш барча партия ташкилотларига ўз фаолиятларида матбуотдан кенг фойдаланиш масаласига эътиборни кучайтириш борасида тавсиялар берди.

Йиғилишни Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби С. Аъзамов олиб борди.

■ **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати**

■ Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси. Эллиққалъа туманида Япония билан ҳамкорликда ўрнатилган электрон рақамли автомат телефон станцияси аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Бир пайтлар бошқа шаҳар билан гаплашиш учун соатлаб вақт йўқотган одамлар ҳозир саноқли дақиқаларда дунёнинг истаган шаҳри билан гаплаша олишади.

Суратда: *алоқа бошқаруви муҳандиси Гулистон Ражапова.*

ДОРИФУРУШЛАР БОЗОРИ ЧАҚҚОН...

АКС-САДО

«Ўзбекистон овози»нинг 25 апрель сонидаги дори-дармонлар ҳақидаги мақолани қизиқиш билан ўқидим. Очиғи, мақолада қайд этилганидек, дуч келган ерда, текширилмаган, сифати кафолатланмаган дори-дармонларни пуллаётган виждонсиз кимсалар Андижонда ҳам кўп. Мисол учун, шаҳарнинг Янгибозор қисмида ҳатто «дорифурушлар кўчаси» бор. Бу кўчадан ўтиб қолсангиз, дорифуруш аёллар: «Қандай дори керак сизга?» деб ҳолижонингизга қўйишмайди. Тўптўп бўлиб, кўча четларини эгаллаб, бамайлихотир савдо қилишади. Очиғи, бундай ҳолни кўрган киши Андижонда дорихона йўқ шекилли, деб ўйлаши мумкин. Аслида эса ўша Янгибозорнинг ўзида ҳар қадамда дорихона. Афсуски, айрим одамлар дорихонага бормай, балки доришуносликнинг алифбосини ҳам тушунмайдиган, фақат пулни ўйлайдиганлар билан муомала қилишади. Нима учун? деган саволнинг туғилиши табиий. Мақолада дори-дармонлар билан боғлиқ муаммоларни қандай бартараф этиш муаммоси кўтарилган. Менинг назаримда, республикамиз миқёсида авж олиб кетган бундай «тадбиркорлик»нинг олдини олиш учун реестрга киритилган дори-дармонлар нархини қатъий равишда белгилаб, дорихоналарда сотилишини назоратга олиш керак. Негаки, содда одамлар дорихоналардаги қиммат нархдаги дори ўрнига бозордан арзонини сотиб олишяпти.

Мамлакатимизда тадбиркорлик учун имконият етарли. Жумладан, хусусий дорихоналар очиш ҳам хусусий тадбиркорликка киради. Бироқ, тадбиркорлик нарх-навони осмонга олиб чиқиш, дегани эмаску!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 14 январдаги қарорини халқ хурсандчилик билан қаршилаган эди. Назаримда, қарорнинг бажарилиши суст кетяпти. Агар мана шу қарор асосида иш ташкил этилганида сохта тадбиркорларнинг фаолиятига барҳам бериларди.

Яна бир гап. Бир маротаба ишлатиладиган шприцлар ҳақида. Бир танишим ана шундай шприцларга ҳам ишонч йўқлиги ҳақида гапирган эди. Бир маротаба фойдаланиладиган шприцларни тўплаб, яна қадоқлаб сотиш ҳоллари ҳам учраётган эмиш. Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди. Ҳар ҳолда бу масалага ҳам эътиборни қаратиш керакка ўхшайди. Менимча, дори-дармон бўйича ҳар бир эътироз, маълумот жиддий текширилиши зарур. Чунки, инсон саломатлиги билан боғлиқ масалада лоқайдлик, эътиборсизлик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

■ **Феруза МИРЗАОЛИМОВА, Андижон шаҳри.**

ФЕЛЬЕТОН

«ОМАД ҚУВОНЧИ» АЗОБИДАН... ДОД!

ЁХУД «ҚУВАСОЙ ВОҚЕА» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ЎТКАЗАЁТГАН «ОМАД ҚУВОНЧИ» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ «ИДОРА»СИНИНГ «ЎЙИН ИЧИДА ЎЙИН» ҚАБИЛИДА ҚИЛАЁТГАН НАЙРАНГЛАРИ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкентдек шаҳри азимда, «Буюк ипак йўли» метро бекатидан чиқиб, «Салом» чойхонаси томон уч бекат юрсангиз, ўнг қўлга бурилишингиз билан (чамаси юз метрлардан кейин) пештоқига «Устабоев кўчаси, 10-уй, «Омад қувончи» деб ёзилган мўъжаз бинога кўзингиз тушади. Ҳафтанинг қайси куни борманг, уй атрофи одамлар билан гавжум.

— Вой-бў-ўй, буларнинг қиладиган иши йўқми? — дейсиз ёқа ушлаб.

— Ишимиз бор, ака, лекин лотереядан ютган ютуғимизни олгани келганмиз, — дейди улардан бири саволимиз ёқинқирамай.

— Ие, шунақами, табриклаймиз, нима ютдингиз?

— Устимиздан кулманг, бирадар, ўзи шундоғам бу ердаги фирибгарлар фирибидан абжағимиз чиқиб кетди, — жаҳл аралаш суҳбатга қўшилди ёнидаги йигит.

— Тинчликми, қаердансиз?

— Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчасида яшайман. Исми-шарифим — Одилбек Ёқубов, — ўзини таништирди у. — 65-тиражнинг 19-турида 54 минг 913 сўм ютганман. Уни ўша куни «компьютеримиз бузилиб қолиб, ютуқ нотўғри эълон қилинган, сиз 19-турда эмас, 23-турда ютгансиз» деб, суммамнинг миқдорини тенг ярмига туширдилар...

— Ҳарқалай, олдингизми ахир?

— Ма-на, беради! — асаби таранг экан чоғи, уч бармоғини ғалати қилиб кўрсатди у. — Ўнинчи майдан буён учинчи келишим...

— Оғайни, сиз Тошкентдансиз шекилли? — фиғон билан юзланди менга улар билан шу ерда боядан буён дардлашаётган учинчи бир киши. — Биз узоқдан келганмиз. Шаҳарни яхши билмаймиз. Ҳозир бориб телевидениеданми, радиоданми, газетаданми, бирор мухбир топиб келинг, илтимос, бу муттаҳамларни бир адабини берсин... Мана, мен Чинозда «Ўзбекистон» колхозида яшайман, Абдуғаниев Нуриддинман. 25 минг сўм ютуғимни деб уч марта келдим. «Уловидан тушови қиммат»га тушди, ука. Йўл кирасининг ўзи ошиб кетди. Оғайниларим «юв»дирди-ям... Тағин бу «Омад қувончи — эл-юрт ишончи» эмиш, лўттибозлар!

— Биродар, ҳў, биродар, — енгимдан тортди нарирокда ўтирганлардан бири келиб, — бизларни гапга солиб-солиб, бошлиқ келиб қолганда тағин ўзингиз «ширт» этиб бизлардан олдин кириб кетиб қолманг, «очеред»га туринг, исми-шарифингизни айтинг, рўйхатга ёзиб қўямиз... 49-бўласиз...

— Қанақа рўйхат бу? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Омадининг қувончини эмас, азобини тортган ва бизга ўхшаш она сути оғзидан келганларнинг рўйхати-да.

— Йўғ-е! — қоғозга кўз ташлайман. — Ростданам, бу ютуғини олиш учун келиб навбатга турганлар рўйхатими?

— Аслида шундай. Лекин, биз ҳозир бу рўйхат билан бирор редакцияга бориб, «жалоб» қилмоқчимиз.

Рўйхатни ўқийман: Рустамова Лайло — Тошкент шаҳри, Лисунова кўчаси 1-а уй, 65-хонадон; Қулиев Сотволди — Навоий вилояти, Қизилтепа тумани (70 ёшли қария); Эргашев Каҳҳор — Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани; Суюнов Юсуф — Сирдарё вилояти, Гулистон тумани; Каробков Юрий Анатольевич — Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 14-мавзе, 14-уй, 50-хонадон; Крюкова Анна Геннадиевна — Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Аҳмад Югнакий кўчаси 25/13; Сойипов Ойбек — Бўстонлиқ тумани, Нанай қишлоғи; Муротова Шоҳиста — Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани; Бўронова Нафиса.., Бўриев Абдурахим.., Чернигова Галина.., Муҳаммедов Ҳамза.., эҳҳе, эшмат-тошмат... фалончапистонча...

— Йў-ўқ, оғайнилар, — дедим қоғозни уларга қайтариб. — мени бу рўйхатга ёзмай турингдар... Ҳозирча «рўйхатларда йўқ» одам бўлиб турай... Исми-шарифимни қоғознинг охирига ўзим ёзиб қўярман...

Улардан нари кетаман. Бошқа давра, бошқа гап-сўзлар...

— Ўргимчак тўрига яқинлашган чивин ва пашшаларни авраб-авраб илинтирар экан-да чиқиб кетишига йўл қўймас экан, — ривоят билан қўшиб сўз бошлади бир киши. — «Омад қувончи»нинг ҳам найранги шундай экан... «Мана, ютдим, ютуғимни бер» деб келсам, олдинига ўзингиз яшаётган жойдаги «Уйжойжамғармабанк»га боринг», дейишди. Бордим. Банкдагилар булар берган «йўлланма» ортига: «Бизда бу ташкилотнинг ҳисоб рақами йўқ» деб ёзиб беришди. Кейин мени булар Тошкентдаги бошқа банкка юборишди. Яна бордим. У ердан ҳам: «Бизга бу лотерея учун ҳеч ким пул туширмаган», деб қайтаришди. Яна бир банкка борсам, у банк билан шартномаси йўқ экан... Бугун келсам, «август ойида келинг» деяпти. Оёғимда оёқ қолмади...

— Бўлди, сабрим тугади! — ўрнидан турди ёшгина бир жувон ва ўғлининг қўлидан тутди-да йўлга тушди. «Прокуроргa ёзаман, редакцияга бораман, судга бераман», — деди у.

Жувон чинданам қатъиятли экан. Эртасига унинг шикояти таҳририятга тушди:

«Ўзбекистон Республикаси Прокурорига

нусхаси: «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига.

Янгийўл шаҳри, Наврўз кўчаси, 6-уй, 34-хонадонда яшовчи фуқаро Елена Ивановна Голиковадан

Ариза

Мен Е.И.Голикова оилам билан анчадан буён телевидение ва радио орқали мунтазам реклама қилинаётган «Омад қувончи» лотереяси билан овуниб келаман. Муайян миқдорда пул ютуғига эга бўлиб, омад эмас азобга дучор бўлдим. Сарсону саргардонман.

Лотерея офисининг директори ўринбосари жаноб Мардонов А (Алишер!) шахсан ўзи қатор учрашувларда «ютиб олинган маблағ ютуқ эгаси қулай бўлган муддатда талаб қилиши билан берилади» деб ваъда берганди. Ишончли бўлиши учун чиптам ортига олишим керак бўлган сумма миқдори ва тўлов муддатини ёзиб қўйди ва муҳр босди. 20 апрель 2002 йил санаси билан берилган шу чипта остида директор ўринбосарининг турмуш ўртоғи Самиболиев Н. (Нигина!)нинг исми-шарифи, имзоси турибди.

Ўзига хос «оилавий пудрат»га айланган бу даргоҳга кирган кишида: «Омад қувончи» бир пайтлар Россияда шарманда бўлган «машҳур» «МММ» ва «Властелин» шаклидаги «пирамида»лардан олинган янги нусха эмасмикин», деган нохуш кайфият туғилмоқда.

Бундай нағмахонанинг кўп сонли ходимлари ва шахсий қўриқчилари қайси маблағ ҳисобига фаолият кўрсатмоқдалар?

Матбуотда ва телевиденеда кўтарилиши эҳтимоли бўлган бу ғалванинг олдини олиш учун Сизлардан умид билан илтимос қиламанки, юз бераётган «вазиятни» ажрим қилиб берингизлар. Чунки, алданаётганлар сони ҳафта сайин ошиб, ўйин мутасаддиларининг даромади эса пропорционал ўсишда давом этаяпти. Бу кетишда республикадаги миллионлаб телетомошабинларининг севимли кўрсатуви — «Омад қувончи» «Омад қайғуси»га айланиб қолмасмикан?

Чиптанинг нусхасини илова қилаяпман.

Хурмат билан Голикова Елена Ивановна.

Имзо. 29.06.2002 йил»

Голикованинг ушбу хати қўлимизга теккан куни, яъни 29 июнда «Омад қувончи» «фирма»си ҳовлисидан яна бир манзара:

... «Ноумид — шайтон» деган ўнлаб одамлар ютуқларини кутиб ўтиришибди. Асаблар таранг. Кимдир ғўдранади, сўкинади, кимдир қойинади, қарғанади. Ҳаммасининг таъбири тирриқ. Эрталаб соат 9.00 дан 15.00 гача кутишяпти улар. Бошлиқ йўқ! Кўрсатувни «ойнаи жаҳон»да олиб борувчи Саид Мухторовгина гоҳ у ёққа чопади, гоҳ бу ёққа... бефойда... «Халқда нима айб? Нега уларни сарсон қилишади», деганича қўл телефонида қаергаларгадир қўнғироқ қилади, кимлардир билан гаплашади, «акажон, тез келиб кетинг», — деб ялинади... Натижа кўринмайди. Даргоҳдаги 8-10 нафар ходим — ёш йигит-қизлар ҳам ичкарига киришади, ташқарига чиқишади, ўзларича аллақандай қоғозларни кўтариб у ён боришади, бу ён боришади, нажотсиз. Жаволаби бита: Бошлиқ йўқ! Биз ҳеч нима қилолмаймиз!

Изоҳ: Бошлиқ деганлари — Алишер Мардонов экан. Айримларнинг айтишича, аслида у директор ўринбосари эмиш. Бошлиқ эса унинг турмуш ўртоғи Нигина Самибоева! (Қизиқ жойи шундаки, уни ҳали ҳеч ким (ютуқ эгалари!) кўрмаган).

— Биринчи гуруҳ кўзи ожизман, — дейди тоқати тоқ бўлган 45-50 ёшлардаги киши (ўзини у Адҳам Тўхтаевич Жаминов деб таништирди. Манзили: Чилонзор туманининг 19-мавзеси, 20-уй, 70-хонадон). 65-тираждан бор-йўғи 25 минг сўм ютганман. Икки ой бўлди. Қизларимнинг етагида бу ерга бешинчи марта келишим. Тиланиб, сўраниб олаётганим йўқ-ку, ютдим, ютуғимни бер-син. Инсофи борми ўзи буларнинг, одамни шунча хўрлайдими, булар... сўмлик ютуққа шунча азоб! Лотереясидан ҳам ўргилдим, ютуғидан ҳам... Қайтанга таниш-ларим олдида «ютуғини ололмаган лапашанг»га айландим, кулги бўлдим...

— Қўй, жўра, ундай дема, — таскин берди унга ёнида бирга келган шериги, — энди «Омад қувончи» ўйнамасак ўйнамаймиз, лекин шу safar куруқ қайтмаймиз, ютуғимизни оламиз... Бундайда, ҳар safar келиб-кетавериб, келиб-кетавериб, ахийри, чарчагандан сўнг сенга-менга ўхшаб 10 минг, 20 минг, 100 минг сўмлаб нақд ютуғидан воз кечадиганлар кўпаяверса, пул кимга қолади?..

— Ҳе-е, хумкалла, — дўстининг бошига чертиб қўйди у. — Буларнинг мақсади ўзи шуда! Сен «мана, мен ютдим» деб келганингда лотереянгни расмийлаштиргандек бўлиб, қўлингга чиптадек қоғозни ёзиб беришяпти-ю, лотереянгни олиб қолишяпти. Сен фақат чиптанинг ўзини кўтариб, ғизғизондек югуриб юраверасан, ютуқни ололмайсан, ахийри, безор бўлиб воз кечиб кетасан... Лотерея буларда қолади-ку... Ютуқлар бериладиган 4 ойлик муддатга 5-6 кун қолганда ўша чипталарнинг безиллаган эгалари энди бошқа келмаслигига ишонч ҳосил қилинади-ю, «текислаб» юборилади... Улар эса республикамиз бўйича ўнлаб-юзлаб эмас, минглаб-миллионлаб одамлар бўлади.

— А-аа?

— Ҳа-а!

...Менинг бу ҳангомаларни берилиб эшитаётганим ва керакли жойларини дафтаримга гоҳ-гоҳда қайд қилиб қўяётганимдан «хит»ландими, даргоҳ кассири Шерзод (фамилиясини айтишни хоҳламади у!) секин ёнимга келиб: «Ока, ошхонага кириб бир гаплашиб оламизми?» — деган таклиф билдирди.

— Гапингиз бўлса шу ерда, одамлар олдида айтинг, — жавоб қилдим. У ёнимдагиларнинг бу ҳолга эътибор берганини сезиб, нари кетди.

... Шундан сўнг мен ҳам кетдим. Соат 15.30. Тўғри, таҳририятга келдим ва ушбу сатрларни битишга киришдим.

Баъзан беихтиёр ўйлаб ҳам қоласан киши: Сўнгги пайтларда лотерея деган ўйиннинг турлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетмадими? «Омад қувончи», «Бахтли воқеа», «Яхши ният», «Оқ олтин», «Умид», «Бахт қуши», «Бинго», «Olimpic glory», «Тошкент», Спортлото, «Эколот» ва ҳоказо, ҳоказо...

Бозорларда, кўчаларда, сайилгоҳларда, бекатларда, истироҳат боғларида бақир-чақир билан пул тикиб ўйналадиган ҳар хил ўйинлар, тўғриси, гоҳида ғашингизга ҳам тегаркан. Бир сўз билан айтганда, тобора «болалаб» кетаётган бундай ўйинлар ёшларимизни ҳам ўз домига тортиб кетаяпти. Бу ҳолат уларнинг маънавий тарбиясига қай даражада таъсир ўтказаётгани ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Ўрни келиб қолди, айтиш жоиз, бу тур ўйинларни давлат чиқарса ҳам майли эди. Қайси лотереяни олиб қараманг, аллақандай фирмалар, жамиятлар, масъулияти чекланган корхона ва муассасалар чиқаришяпти. Улардан «Халқни алдаш гуноҳ эмасми?» — деб сўрасангиз: «Нега алдаш бўлар экан, окаси, давлат рухсат берган, рўйхатдан ўтганмиз, солиғини тўлаяпмиз, бюджетни тўлдираяпмиз, боринг, тошингизни теринг...» — деган жавоб оласиз.

Яна, савол берасиз: рўйхатдан ўтказган, рухсатни берган ўша казо-казо ташкилотлар сизга солиқ тўловини ёхуд бюджетга қўшаётган «улуш»ингизни халқни алдаш ёки улар ютган ютуқни ҳам «эрта келинг, индин келинг» деган сарсонгарчиликлар ҳисобига қилавер, демагандир, ахир?!

Жавоб йўқ.

Лекин жавоб бўлиши керак! Ким беради уни? Алданиб, сарсон-саргардон бўлиб юрган бу одамлар ҳуқуқини ким ҳимоя қилади?

... Ҳозирча шу ерда нуқта қўямиз. Ёдимга «таҳририятга борамиз» деб рўйхат тузаётган суҳбатдошларим тушди. Уларга мен «исми-шарифимни қоғознинг охирига ўзим ёзиб қўярман» деб ваъда бергандим. Мана, ёзиб қўйдим:

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз «Омад қувончи» пул-буюм лотереяси «идора»си олдида бўлаётган бир-икки кунлик гап-сўзларни баён қилдик. Шу пайтгача қанча одам ютуғини ололмай овора бўлгани бизга қоронғи. Яна қанчаси овора бўлиши ҳам...

Яна бир гап: одамларни алдаётган фақат «Омад қувончи»ми? Ёки бошқа ўйинларда ҳам шунақа ҳолатлар борми? Алданган, овора-ю сарсон бўлиб юрганлар бу ҳақда таҳририятимизга ёзиб юборишса, уларнинг додларини тегишли идораларга етказишга ҳаракат қиламиз.

Назаримизда, бу ўйинлар анча сирли туюлаяпти. Мишмишлар ҳам етарли. Бу «ўйинлар» ортида ким турибди? Улар кимнинг соясида ўзларини бунчалик эмин-эркин тутишмоқда? Одамларни алдаш, таҳқирлашга ким уларга ҳуқуқ берган? Ваъдага, шартнома шартига амал қилмаслик — ёлғончилик, фирибгарлик эмасми? Бизнингча, бу саволлар прокуратура идораларини ҳам қизиқтирса керак.

4 ИЮЛЬ — АҚШНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ДЕМОКРАТИЯ ВА ОЗОДЛИК ВАТАНИ



Америка Қўшма Штатлари жаҳондаги ҳар жиҳатдан тараққий этган энг қудратли давлат. Бугунги кунда бу давлат дунё сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт омилларини белгилашда етакчи ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамиятида унинг салобатли ўрни, энг нуфузли халқаро ташкилотларда ўз овози бор. Бугун ана шу қудратли давлатнинг миллий байрами — Мустақиллик куни. Америкаликлар бу кунни фахр-ифтихор туйғуси ила кенг нишонлайдилар.

Гап Америка Қўшма Штатлари ҳақида борар экан, бу давлатда демократик тузум тўлиқ шаклланганлигини ва конституциянинг ҳукмронлиги тўлиқ таъминланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. АҚШда инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги кафолатланган. Бу жиҳатдан у дунёнинг кўпгина мамлакатларига ибрат кўрсатмоқда.

Бугунги байрам мамлакатдаги 50 та штат ва битта федерал округда нишонланади. Асосий тантаналар эса Вашингтонда бўлиб ўтади. Конгресс биноси олдидаги байрам тадбирларида қарийб 500 мингдан кўпроқ одам иштирок этиши кутилмоқда. Байрам тадбирларининг ранг-баранг ва қизиқарли ўтишига пухта тайёргарлик кўрилган.

Албатта, байрамнинг тинч ва осойишта, хушчақчақ кайфиятда ва кўнгилхушлик билан ўтиши қай даражада хавфсизлик чоралари кўриб қўйилганлигига ҳам боғлиқ. Биргина Вашингтон шаҳридаги байрам тадбирида тартибни таъминлашга икки минг нафар полициячи жалб этилади. Шу куни тарихий ёдгорликлар устидан самолётларнинг учиб ўтиши тақиқланади. Бу аввало пойтахтдаги Озодлик ҳайкалига тегишли. Бугун Вашингтондан ташқари мамлакатнинг Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Чикаго, Хьюстон, Филадельфия, Сан-Диего, Детройт, Даллас сингари йирик шаҳарларида ҳам катта байрам тантаналари бўлиб ўтади.

Ўзбекистоннинг бугун ўз мустақиллигини нишонлаётган Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларига келсак, бизнинг кенг қамровли ва кўп томонлама алоқаларимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга қилган бу йилги ташрифи ва Ўзбекистон вакилларига кўрсатилган юксак иззат-икром ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг ер юзида тинчликни сақлаш ишига қўшган ҳиссасига берилган юксак баҳо икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. АҚШ билан Ўзбекистоннинг бир қатор марказий идоралари, вазирликлари, банклари ўртасида ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб, борди-келдилар, мулоқотлар, маслаҳатлашувлар кучайди. Ўзбекистон ҳукумати билан АҚШ ҳукумати ўртасида имзоланган Меморандум ана шу алоқаларнинг юксак чўққиси бўлди. Унда Америка Қўшма Штатлари ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистонга ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон аҳолиси, хусусан ўзбек халқи америкаликларни миллий байрамлари билан дўстона ва самимий табриклар экан, демократия ва озодлик ватани ҳамиша тараққиёт тимсоли бўлиб қолишини тилайди.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
сиёсий шарҳловчи

СУРАТЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛАДИ

Тайбей ҳукумати Чан Кайшининг мамлакат бўйлаб тарқалган ва ҳурмат билдириб осиб қўйилган портретларидан воз кечишга қарор қилди. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг спикери хабар тарқатди. Ички ишлар вазири имзо чеккан мазкур буйруқ давлат муассасаларига, ўқув юртларига ва омма йиғилиши мўлжалланган жойларга, қисқаси, Чан Кайшининг портрети қайсики ташкилот тўрида осилган бўлса, барчасига жўнатилди.

Спикернинг гапларига қараганда, мамлакатда президентлар кўп бўлади, демак барчасининг суратлари осилаверса, вақти келиб унинг имкони бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам Чан Кайши портретларини олиб қўйишга қарор қилинди. Фақат ҳарбий муассасаларгина бундан мустасно. Негаки, генералиссимус Чан Кайши ҳарбийлар орасида миллий саркарда сифатида қадрланади.

Чан Кайши Хитойдаги фуқаролар урушида мағлубиятга учрагач, 1949 йилда Тайбейга қочиб кетади ва умрининг охиригача — 1975 йилгача бу мамлакатни бошқаради.

ВУЛҚОН ҚАЙТА ҚЎЗҒАЛМОҚДА

Япония метеорология агентлиги Токио шаҳридан 150 километр нарида жойлашган Асама вулқони яна қайта жонланаётгани муносабати билан барчани эҳтиёткорликка чақирди. Вулқон Кариудзава шаҳри ҳудудида бўлиб, бу ер Япония сиёсатдонлари ва император оиласининг севимли дам олиш маскани ҳисобланади.

Сўнгги кунларда вулқон оғзидан чиқаётган тутун 1 километр баландликкача ўрламоқда. Куни кеча бу ҳудудда 200 тагача ерости силкиниши қайд этилди. Вулқон оғзида ҳарорат 180 даражани ташкил этмоқда.

XORIJDA

РЕКОРД ҚЎЙМОҚЧИ

Словениялик сузувчи Мартин Стрел узоққа сузиш бўйича жаҳон рекордини янгиламоқчи. Яъни 4 июль — АҚШ мустақиллиги куни Миссисипи дарёси бўйлаб сузишни бошлайди ва 4 минг километр узунликдаги дарёни 66 кунда сузиб ўтмоқчи. У бир кунда ўртача 58 километрдан сузмоқчи.

«Ўйлашимча энг қийини шамолга қарши сузиш бўлса керак. Бундан ташқари оқимнинг тезлашган ва кўтарилган жойлари, тимсоҳлар, заҳарли сув илонлари ва оқ акулалар ҳам менга ҳали катта муаммо туғдирса керак», дейди Стрел. Ҳозир у 47 ёшда. Аввал ҳам, яъни 2000 йилда Дунай дарёсини 58 кунда узунасига (тахминан 2860 километр) сузиб ўтиб, рекорд ўрнатган ва Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га номи киритилган.

Стрел Миссисипида сузаётган пайт махсус гуруҳ кемада кузатиб боради.

АФҒОНИСТОНДА ЭПИДЕМИЯ

Афғонистонда юзларга майда тошмалар тошиб, ўзидан чуқур чандиқлар қолдирувчи касаллик — лейшманиоз эпидемияси кенг тарқалиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти рўйхатида қайд этилган маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатда 270 минг киши шундай касалликка йўлиққан. Энди уни даволаш учун 1,2 миллион долларлик дори-дармон керак бўлади.

Лейшманиоз асосан яшаш оғир бўлган ва антисанитария ҳолатлари вужудга келган шаҳарларда тарқалмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вакили Филипп Дезьенинг айтишича, бу касаллик Кобул шаҳрига қайтган қочоқлар ва тинчликни муҳофаза этувчи ташкилотлар вакиллари соғлиғига ҳам хавф солмоқда.

«Бу касаллик ўлимга олиб бормайди, бироқ танада чуқур чандиқ қолдиради. У юқумли бўлгани учун ҳам, касалланган кишини ўз оиласини ташлаб, бошқа ёққа кетишга мажбур этади», деди Дезье журналистлар учун брифингда.

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«АСАКА» БАНКИ

СИЗГА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Асака» банки пластик карточкалари — бу: ишончли, нуфузли, қулай ва фойдали.

Сўм карточкаларимизга товарлар ёки хизматларга тўлов ёки нақд пул олиш учун сиз ўзингизга қулай бўлган вақтда республикамиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида, Europay (Master Capd) халқаро карточкалар орқали жаҳондаги ҳар қандай мамлакатда туриб тўловни ёки Валюта олишни амалга оширишингиз мумкин.

Сизнинг пластик карточкаларингиздаги қолдиқ маблағларингизга даромад қўшилади.

Банкимизнинг ўзига хос томони шундаки, юксак малакали мутахассисларимиз мижозларимизга юқори даражада хизмат кўрсатади ва сиз пластик карточкаларни қисқа вақтда олиш имконига эга бўласиз.

Энг муҳими, «АСАКА» банки омонатларингизнинг тўла сақланишини ва махфийлигини кафолатлайди.

«АСАКА» БАНКИ КАРТОЧКАЛАРИ
БУ ЯНГИ БИР ДУНЁ!

Пластик карточкаларни олиш бўйича банк филиалларига мурожаат қилинг; Тел: 120-81-79, 120-82-75, 120-83-09, 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-84-08, 120-81-98, 120-84-23.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

ТАМҒАСИ ОСТИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ТУРИНИ КЎПАЙТИРИШ — НАВОИЙЛИК КИМЁГАРЛАР МАҚСАДИ

Бундан қирқ йиллар аввал республикамиз газеталаридан бирида шундай бир хушхабар тарқалганди: «Қадим Бухоро вилоятининг Маликчўл билан туташиб кетган саҳролари орасида Ўрта Осиёдаги энг улкан Навоий кимё комбинати қурилиши бошлаб юборилди...»

Ҳа, ўшанда асрлар оша қақраб ётган чўл осойишталиги бузилди. Келгусида юзлаб гектар майдонни эгаллайдиган улкан корхонага асос солинди. Унинг биринчи навбати 1964, иккинчи навбати 1967 йилда ишга туширилди. Суньий тола ишлаб чиқаришга 1971 йилда киришилди. 1983 йил фабриканинг иккинчи навбати маҳсулот бера бошлади ва «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси» деган ибора тилга тез-тез тушадиган бўлиб қолди. Йилдан-йилга маҳсулот турлари кўпайди. Янги-янги цехлар, участкалар бунёд этилди. Айниқса, мустақиллик йиллари ўсиш, ривожланиш даври бўлди.

Аввалларида бу ерда фақат қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг «хамиртуруши» — минерал ўғитлар ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда халқ хўжалигининг барча тармоқларига ўнлаб маҳсулот турлари етказиб берила бошланди. Ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, ўсиш суръатида аниқ маромни таъминлаш борасида кўрилаётган қатор тадбирлар, шубҳасиз, ютуқлар омили бўлмоқда.

Истиқлолга эришилган дастлабки йилда, унифлок, лима, диола (оқартириш воситаси), 1992 йил — лосьон, турли смолалар, 1993 йил — натрий ацетати, бир йил ўтиб эса азотли барий, ош тузи, кейинчалик аммоний полифосфати, коллоид олтингугурти, елим, митий карбонати, кабель муфталари ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Йилига 3 минг тонна аммоний ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ишга туширилди. Йиллик қуввати 120 минг балон аргон тайёрлаш қурилмаси ўрнатилди. Чиқиндилардан метанол ва формалин олиш технологияси ўзлаштирилди.

Бундан уч йил аввал халқ хўжалигига сув билан ҳаводек зарур яна бир маҳсулот турини ишлаб чиқариш йўлида саъй-ҳаракатлар бошланди. Бирлашмада мамлакат валюта заҳираларини тежаш ва бойитиш мақсадида каустик сода заводи қурилишига киришилди. У ўтган йил ишга туширилди. Лойиҳани «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда Германия Федератив Республикасининг «Лурги» фирмаси мутахассислари амалга оширишди. Шу тариқа яна бир янги қўшма корхонага асос солинди. Қўшма корхона ўтган йилнинг ёзида маҳсулот бера бошлади. Ишлаб чиқарилаётган каустик сода ҳозир истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилаётир.

Тўққиз-ўн ойдирки, мазкур корхона конвейерларида маҳсулот турлари сони ошди: хлор, хлор кислотаси, гипохлорид, натрий тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона салмоғини давлатимиз хазинасига тушаётган мана бу рақам залворига қараб фараз қилаверинг: йилига 7,7 миллион АҚШ доллари!

Ҳусанбой ТОЖИБОЕВ — Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли «Сувсоз» тресті унитар корхонасининг таъминот бўлими мутахассиси:

— Биласизми, Ўзбекистонда, навқирон Навоий шаҳрида хлор ишлаб чиқарилиши мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга бўлди. Дарёлар, ариқлар, каналлар сувини тиндириш, тозалаш, турли микроблардан холи ҳолда истеъмолга тайёрлаш осон иш эмас. Бунинг учун жуда кўп меҳнат, саъй-ҳаракат, изланиш керак.

Чунончи, биргина Тошкент шаҳри аҳолисининг истеъмолига яроқли сувни тиндириш учун биз йилига икки минг тоннага яқин аччиқтош ишлатамиз. Ваҳоланки, Чирчиқ дарёси сувини тиндириш учун норма бўйича кунига 7 тонна аччиқтош керак. Серёғин келган бу йилги кўкламда эса кунига 9 тоннадан аччиқтош сарфлашга тўғри келаяпти. Ҳозирча биз бу маҳсулотнинг ҳар тоннасини 120 АҚШ доллари ҳисобига четдан сотиб оляпмиз.

...Илгари хлорни ҳам Россия Федерациясининг Волгоград шаҳридаги каустик сода акциядорлик жамиятидан харид қилардик. Масалан, 1999 йилгача унинг тоннаси 560 АҚШ долларига тушарди. Тўғри, кейинчалик, Россия билан иқтисодий ҳамкорликларимиз ривожланиши туфайли ҳар тоннасининг нархи 350 АҚШ долларига тушди. Бироқ пул ўтказиш жараёни қийинлашди. Йўлкира, божхона харажатлари ошди. Устига-устак, ёз ойларида вагон етишмай қолиб, маҳсулотни келтириш мушкуллашди.

Ҳайрият, энди ўз хлор ишлаб чиқариш корхонамизга эгамиз. Энди эса унинг ҳар тоннасини «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 50 АҚШ долларига тенг нархда олаяпмиз. Демак, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш туфайли маҳсулот етти баравар арзонлашди...

— Президентимиз Ислом Каримов, — дейди «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Ҳасан Фармонов, — иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясидаги маърузасида «Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» деган юксак бир гапни айтдилар. Шу нуқтаи-назардан, биз ҳам бу борада ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш йўлида астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Наинки, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, балки экспорт салмоғини ҳам оширишни мўлжалга олдик. Бинобарин, Юртбошимиз ҳар гал уқтираётганидек, бугунги кунда ўз маҳсулотини хорижга чиқариб, валюта топмаган корхонанинг келажаги йўқ. Айни пайтда биз ишлаб чиқараётган нитрон суньий толамиз бирлашмамиз учун асосий валюта манбаи бўлиб қолди. Қарийб минг кишилик «Нитрон» заводимиз ҳозир бир кеча-кундузда 42-45 тоннадан тола ишлаб чиқаряпти. Унинг толасидан олинаётган калава ипларининг бозори эса жуда чаққон: мамлакатимизнинг гиламчилик корхоналари эҳтиёжидан ортиғини хорижлик харидорларга сотаяпмиз. Рақамларга эътибор беринг: ўтган йили бирлашма бўйича 37,1 миллиард сўмлик (режага нисбатан 107,8 фоиз) товар ишлаб чиқарилди. 4,95 миллиард сўмлик (145 фоиз) халқ истеъмоли буюмлари тайёрланди. Хорижий истеъмолчиларга 11,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотдик. Улар орасида МДҲ мамлакатлари — Россия, Украина, Озарбайжон, Туркманистон, Белоруссия, Қирғизистон, Тожикистондан ташқари Афғонистон, Эрон, Покистон, Туркия, Финляндия, Венгрия, Миср, Хитой давлатлари ҳам бор. Шунингдек, Япония, Италия сингари давлатларнинг қатор компания ва фирмаларига ҳам нитрон толаси, ингичка ҳамда қалин калава иплари етказиб беряпмиз...



Дарвоқе, бирлашманинг ўзида ҳам бугунги кунда гилам, поёндозлар цехи фаолият кўрсатаяпти. Корхонанинг ўнлаб чевар қизлари Хива гилам комбинатига бориб, бу нозик касб сирларини пухта ўрганиб қайтишди. Ҳозир бу ерда тўқилаётган бири-биридан бежирим гиламларнинг харидори кўп. Боз устига, хомашё — нитрон калаваси бирлашманинг ўзида ишлаб чиқарилгани боис, маҳсулот таннархи ҳам арзон. Палос, поёндоз, енгил автомобиллар учун ғилоф сингари жиҳозларга эндиликда мижозлар навбат кутиб турадиган бўлишди.

Ҳозир ҳудуди 717 гектар майдонни ишғол қилган йирик бирлашмада ёрдамчи ишлаб чиқариш участкалари билан қўшиб ҳисоблаганда 81 та цех мавжуд. Уларнинг 37 таси асосий цехлар ҳисобланади. Биттасининг ўзидаёқ кеча-кундузда 2800 тонна аммиак ва аммиак селитраси тайёрланишини тасаввур қилиб кўраверинг.

Бирлашмада меҳнат қилаётган 10818 нафар ишчи-хизматчи ғамхўрлик оғушида, улар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Ҳаммаси уй-жой билан таъминланган. Бирлашма корхоналарининг маданият саройлари, профилакторий ва санаторийлари улар хизматида. Моддий манфаатдорлик йил сайин ўсиб бораяпти. Агар 2001 йилда ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 46 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 60-65 минг сўмдан ошмоқда.



Бирлашма ҳудуди мевали-манзарали дарахтлар, гулзорлар билан қопланган. Ўтган йили атроф-муҳит мусаффолиги, экологик соғломлаштириш, ҳавони тозалаб берувчи фильтрация қурилмаларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича 41 та тадбир ишлаб чиқилиб, жорий этиш учун 691 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бирлашма меҳнат аҳли хорижий фирма ва компаниялар билан ўзаро ҳамкорликни тобора кенгайтириб бормоқдалар. Германиянинг «Лурги», Чехиянинг «Хелос», Россия Федерациясининг «Вартон», «Ленахим» сингари фирма ва заводлари билан қўшма корхоналар ташкил этилди. Яқин келажакда бу ерда кон-металлургия комбинати ва «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасида ишлатиладиган қуруқ циан тузларини маҳаллий хомашёдан тайёрлаш кўзда тутилган. Бунинг учун махсус корхона қурилишига ҳам киришилди.

Хуллас, навоийлик кимёгарларнинг орзуси битта: «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган тамға билан маҳсулотлар турини ҳам, салмоғини ҳам кўпайтириш ва хориж бозорларида муносиб жой эгаллаш!

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Суратларда: бирлашма цехларидаги иш жараёнидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Инсон ҳамиша яхши ниятда бунёдкорлик ишларига қўл уради. Саъй-ҳаракатлар қилиб, уй-жойлар бунёд этади. Пойтахтимизда кейинги йилларда амалга оширилган бу борадаги ишлар эса таҳсинга лойиқ десак, муболаға бўлмас. Аммо, тикланаётган кўп қаватли бинолар бунёд этилаётган турли ишлаб чиқаришга оид ҳамда маъмурий масканларнинг ҳаммасида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлашда тартиб ва қоидаларга риоя қилинмоқда, дейиш қийин. Ваҳоланки, нохушликнинг олдини олиш, аланга тарқалиш доирасини чеклаш, муҳими одамлар ҳаёти, жониворлар ва мол-мулкни асраш ёнғин хавфсизлиги хизматчиларининг асосий вазифаларидан саналади.

Қурилиш объектларида кутилмаганда ёнғин чиқиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик, иссиқлик тарқатувчи қурилмалар, электр қуввати кучланиши остидаги жиҳозлар, электро-газ пайвандлаш ишларида эҳтиёткорлик чоралари кўрилмаса, сўзсиз нохушлик юз бериши мумкин. Шунингдек, қурилиш майдонларида гулхан ёқиб ўтириш, белгиланмаган жойларда чекишлар ҳам ёнғин хавфини туғдиради. Албатта, ҳозир пойтахтимизнинг турли қурилиш объектларида тасодифий ёнғинлар камайган. Лекин бу хотиржамликка берилишни тақозо этмайди.

Қурилиш майдонларида ёнғин хавфининг олдини олиш учун бунёдкорлик объектларига бориладиган йўллар равон бўлиши, сув ҳавзалари билан таъминланиши муҳимдир. Албатта, қурилиш майдончалари тунлари ёритилиши керак. Айниқса, қурувчилар учун маскан ҳисобланган вагончалар жойланишига эътибор қилиниши, улар ўртасидаги масофа бир метрдан кам бўлмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда, ана шундай қоидаларга риоя қилинса, ёнғинни олдини олган ва нохушликни чеклаган бўламиз.

■ **Жалол АСҚАРОВ, Миробод тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бирлашмаси инспектори, ички хизмат майори.**

ХАЛҚ БАНКИ ХИЗМАТИНГИЗДА!

Хабарингиз борки, кейинги вақтларда нақд пул эмиссиясини кескин қисқартириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилиш борасида республикамиз Президентининг бир қатор Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Айнан мазкур фармонлар ва қарорларнинг ижросини таъминлаш йўлида Давлат-тижорат Халқ банки томонидан бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, банкнинг 900 миллион сўмлик ютуқли депозит сертификатлари уч эмиссияда муомалага чиқарилди.

Депозит сертификатларининг биринчи эмиссияси бўйича ютуқлар тиражи куни кеча қадимий ва кўҳна Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони «Шоирлар боғи»да ўтказилди.

Тираж кечасида кенг жамоатчилик иштирок этиб, унда 5000 сўмдан 1 000 000 (бир миллион) сўмгача бўлган пул ютуқлари ўйналди.

Тираж иштирокчилари ютуқли депозит сертификатлари нақадар манфаатли ва жозибали эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Хусусан, тадбирда Ўзбекистоннинг таниқли хонандалари, эстрада гуруҳлари иштирок этдилар ва тираж қатнашчиларининг маданий ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилдилар.

Халқ банкининг депозит сертификатлари иккинчи эмиссияси бўйича навбатдаги ютуқлар тиражини республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб 1 сентябрь куни Хива шаҳрида ўтказилиши белгилаб олинди.

BANK XALQ BANKI

Давлат-тижорат Халқ банки ютуқли депозит сертификатлари биринчи эмиссияси бўйича 2002 йил 1 июлда Самарқанд шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

т/р	Ютуқ миқдори	Ютуқли сертификат рақами	Серияси
1	50000	003125	AA
2	50000	004687	AA
3	100000	006294	AA
4	5000	010213	AA
5	500000	012267	AA
6	5000	012795	AA
7	5000	012918	AA
8	5000	014026	AA
9	5000	015162	AA
10	5000	015863	AA
11	100000	016701	AA
12	5000	026071	AA
13	10000	028859	AA
14	1000000	029502	AA
15	5000	037351	AA
16	10000	040533	AA
17	5000	043964	AA
18	10000	045000	AA
19	10000	049916	AA
20	5000	052613	AA
21	10000	058533	AA

Акромов А.А. — Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари, ҳайъат раиси.
Исломов Т.Т. — Республика Халқ банки Банк филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази директори, масъул котиб.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ФУТБОЛ

«ХЕТ-ТРИК» ВА «ПОКЕР»ЛАР

Кеча олий лига жамоалари 9-турнинг кечиктирилган ўйини — «Зарафшон» — «Пахтакор» учрашуви билан Ўзбекистон XI миллий чемпионати биринчи давра мусобақаларини якунлашди. Бу учрашув пахтакорчиларнинг ғалабаси билан тугади — 0:6.

Бундан уч кун илгари эса биринчи давранинг сўнгги тур ўйинлари ўтказилган эди. Мавсум аутсайдерларидан бири Муборакнинг «Машъал» жамоаси ўз майдонида «Трактор» футболчиларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мезбонлар ҳужумчиси Шавкат Саидов барча тўплар муаллифи бўлиб, «покер»га эришди.

«Нефтчи» — «Қўқон-1912» баҳси фарғоналикларнинг ишончли ғалабаси билан якунланди — 6:3. Иқтидорли ҳужумчи Умид Исоқов ҳам Саидов эришган кўрсаткични такрорлади. «Қизилқум» футболчилари «Зарафшон» жамоаси дарвозасига жавобсиз беш тўп йўллашди. Зарафшонликлар тўпурари М. Идиатуллин ушбу учрашувда «хет-трик»ка эришди.

Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Навбаҳор» — «Самарқанд-Д» — 3:0, «Андижон» — «Бухоро» — 2:0, «Дўстлик» — «Пахтакор» — 2:2, «Металлург» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Сурхон» — «Насаф» — 2:3.

БИРИНЧИ ДАВРАДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	15	13	1	1	50-9	40
«Қизилқум»	15	11	1	3	39-14	34
«Насаф»	15	9	2	4	30-16	29
«Нефтчи»	15	9	2	4	30-16	29
«Бухоро»	15	7	2	6	22-31	23
«Дўстлик»	15	7	1	7	20-24	22
«Самарқанд-Д»	15	6	3	6	16-20	21
«Металлург»	15	5	5	5	18-21	20
«Навбаҳор»	15	6	2	7	23-26	20
«Қўқон-1912»	15	5	2	8	18-27	17
«Сўғдиёна»	15	4	4	7	16-21	16
«Трактор»	15	4	4	7	17-24	16
«Андижон»	15	4	3	8	17-27	15
«Зарафшон»	15	4	2	9	15-26	14
«Машъал»	15	4	2	9	16-29	14
«Сурхон»	15	3	2	10	13-29	11

■ Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 22.45
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«TADBIRKOR»
Universal ko'chmas mulk, tovar, xomashyo fond Birjasi»
mas`uliyati cheklangan jamiyatnинг ўтган ҳафтадаги савдо натижалари

Биржа ва унинг филиалларида ўтган ҳафтада 6 та биржа савдолари ўтказилди. Ташкил этилган савдоларда 81 та объект 11 973 000 сўмга сотилди. Биржа савдоларига автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалик техникалари, асбоб-ускуналар, уй-жойлар ва бошқа иншоотлар қўйилган.

«ОЛТИН БОШОҚ» ИШГА ТУШДИ

Андижон вилоятидаги Ёрқишлоқда ишга туширилган болалар оромгоҳи уч юз нафар кичкинтойларни ўз бағрига олди.

«Андижондонмаҳсулотлари» акциядорлик бирлашмаси ушбу соғломлаштириш оромгоҳининг қурилиши ва ободонлаштирилишига 25 миллион сўм маблағ сарфлади. Оромгоҳда спорт мажмуи, кутубхона, дискотека майдони, хиёбонлар қурилди. Ётоқ иншоотлари, ошхоналар бутунлай янгиланди.

— Илгарилари бу ерда ёзги оромгоҳ фаолият кўрсатган бўлиб, кейинги йилларда у ишламай қўйганди, — дейди оромгоҳ раҳбари Муҳаммаджон Эшонбоев **«Туркистон-пресс»** мухбирига. — Бизлар бу ердаги иншоотларни тўла таъмирдан чиқариб, сув ва газ қувурлари тортдик. Эндиликда оромгоҳда икки сменада 600 бола ҳордиқ чиқаради.

«ШИФОКОР НОН» ОАЖ АФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Исми-шарифи	Лавозими	Оддий акциялар сони	Низом жамғарма улуши, %
		КУЗАТУВ КЕНГАШИ		
1.	Шомелиев. Ш.Ш.	дўкон мудири	34	0,07
2.	Мусаев А.А.	диспетчер	48	0,09
3.	Раҳматуллаев С.З.	навб. уста	30	0,06
4.	Қўйбоқаров С.Х.	«Ўздонмаҳсулот» вакили	25470	49
5.	Зиятов Н.Т.	«РИФ» ОАЖ раиси	12995	25
		ИЖРОИЯ ОРГАНИ		
1.	Бекбаев М.М.	раис	101	0,20
2.	Турсунов Т.Т.	раис муовини	41	0,08
3.	Умарова С.Д.	бош ҳисобчи	52	0,10

Изоҳ: Қўйбоқаров С.Х. — «Ўздонмаҳсулот» ДАК вакили, 25 фоиз давлат улуши ҳамда 24 фоиз корпорация улуши манфаатларини тақдим этади.

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

I. КУНДУЗГИ БЎЛИМ

А.МАГИСТРЛАР тайёрлаш:
5А340102 Тармоқлар иқтисодиёти
5А340301 Маркетинг (соҳалар бўйича)
5А340302 Товаршунослик ва товарларнинг тижорат экспертизаси.
5А340603 Молия, пул муомаласи ва кредит
5А541115 Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси
5А541120 Умумий овқатланишни ташкил этиш ва унинг технологияси

Ўқиш муддати 2 йил

Магистратурага олий маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Магистратурага кирувчи шахслар кириш синовлари топширадилар.

Б.БАКАЛАВРЛАР тайёрлаш:
5340100 — Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)
5340200 — Менежмент (соҳалар бўйича)
5340300 — Маркетинг (тармоқлар бўйича)
5340400 — Бизнес
5340600 — Молия
5340900 — Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
5410900 — Касб таълими (иқтисодиёт)
5541100 — Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)

Ўқиш муддати 4 йил

Абитуриентлар институтга кириш учун «Иқтисодиёт», «Молия», «Маркетинг», «Менежмент», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Бизнес», «Касб таълими (иқтисодиёт)» йўналишлари бўйича математика, чет тили, она тили ва адабиёт, «Озиқ-овқат технологияси» таълим йўналиши бўйича кимё, математика, она тили ва адабиёт фанларидан тест синови топширадилар.

II. СИРТҚИ БЎЛИМ

Иккинчи олий таълим олишни истовчи олий маълумотга эга бўлган шахслар, кундузги бўлим таълим йўналишларининг барча турлари бўйича қабул қилинади.

Иккинчи мутахассислик бўйича ўқишга фақат тўлов-контракт (пуллик) асосида амалга оширилади.

Ўқиш муддати 3 йил

Ҳужжат топшириш муддатлари:
— магистратурага 1 июлдан 31 июлгача;
— кундузги бўлимга 20 июндан 20 июлгача;
— сиртқи бўлимга 20 июндан 20 августгача.

Институтга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширади:
1. Ректор номига ариза.
2. Фотосурат 3х4 (6 дона).
3. Тиббий маълумотнома. (№ 086-у шаклда), сиртқи бўлимдан ташқари.

4. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг (аттестат, диплом ва диплом иловаси) асл нусхаси.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат (чақириқ тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Институт манзилгоҳи: 703000. Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 9. Тел.: 33-38-72, 33-38-73; 33-11-83.

Наманган давлат педагогика институти томонидан 1990 йил 2 июль куни Ташбаева Зульфия Абдусатторовна номига берилган УВ-1 № 066951 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун 2001 йил 13 июндаги 9-сон қарорига асосан Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Шохсанам кўчасидаги, «Нурсаида-Бону» хусусий фирма дорихонасига 2000 йил 30 майда 1213 рақамли лицензия асосида берилган 582-сонли вақтинчалик рухсатнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТошДУ шарқ факультети томонидан 1986 йилда Курбонов Серго Шахзода Мамадалиевич номига берилган НВ 940559 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти кичик муҳаррир Умида Инсонбоевага падари бузруквори **ҲИЛОЛИДДИН ОТА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг 2002 йил 28 июндаги 115-сонли буйруғига кўра, 2002 йилнинг 16 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасидаги почта алоқаси айрим хизмат турлари учун янги тарифларни белгилади.

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ТАРИФИ

ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАР УЧУН ТАРИФЛАР

МДҲ давлатлари

Жўнатмалар ва хизмат турлари	Транспорт билан жўнатиш учун тўлов миқдори (сўмда)		секограммани жўнатишда авиайиғимлар
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	
Почта карточкалари:			
оддий	30	35	
буюртмали	65	80	
Хатлар:			
оддий			
20 г.гача	55	70	
1000 г. дан юқори 2000 гр.гача	665	1360	
Бандероллар:			
оддий			
20 г.гача	55	70	13
1000 г.дан юқори 2000 гр.гача	665	1360	900
Кичик пакетчалар:			
оғирлиги учун тўлов			
100 гр. гача	70	140	
1000 г. дан юқори 2000 гр.гача	610	1215	

Узоқ хориж

Жўнатмалар ва хизмат турлари	Транспорт билан жўнатиш учун тўлов миқдори (сўмда)		секограммани жўнатишда авиайиғимлар
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	
Почта карточкалари:			
оддий	60	85	
буюртмали	160	180	
Хатлар:			
оддий			
20 г.гача	90	115	
1000 г.дан юқори 2000 гр.гача	1840	3490	
Бандероллар:			
оддий:			
20 г.гача	90	115	13
1000 г.дан юқори 2000 гр.гача	1840	3490	900
Кичик пакетчалар:			
оғирлиги учун тўлов			
100 гр. гача	130	230	
1000 г.дан юқори 2000 гр.гача	1400	3190	

Диққат: почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча бўлимларда ва почта алоқаси корхоналарида мавжуд. Қўшимча хизмат учун тарифлар эса жойлардаги алоқа корхоналари томонидан ўрнатилади.

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

(«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 29 июнь сонида чоп этилган материалга тузатиш сифатида босилмоқда).